**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

**Нукус шахри** | **Нөкис қаласы**

№ 176 «9» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 161-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 161-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 161-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида;

пахта ҳосилини етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, йил давомида хотиржамликка берилиб, ғўза парваришида агротехника тадбирлари белгиланган муддатда сифатли ўтказилмаганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ҳокими Д.Қайпов огоҳлантирилганлиги;

пахта ҳосилини етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида дебитор-кредитор қарздорликларнинг ўсишига йўл қўйганлиги учун туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари П.Алламуратов огоҳлантирилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тегишли равишда бир ой муддатда туман прокурори, туман ички ишлар бўлими бошлиғи, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғига нисбатан йўл қўйилган камчиликлар учун белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш тавсия этилганлиги;

в) Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мавжуд бўлган дебитор ва кредитор қарздорликларини ундириш бўйича 4 та сектор раҳбарларига ўрнатилган тартибда зарур чораларни кўриш топширилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига мавжуд кредитор қарздорликларни белгиланган тартибда ундириш тавсия этилганлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида тумандаги 4 та сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаевга ахборот бериш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Хўжайли туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ;

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари етказиб беришнинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Барча тоифадаги фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги кредитор қарздорликларини ундиришининг режа жадвали 3-иловага мувофиқ;

2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқарида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли ва кам харажатли дала шийпонлар ва иссиқхоналар қуриш, парранда, соғин сигир ҳамда асалари боқишни ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари атрофларидаги дала четларининг ҳисоб-китоби 5-иловага мувофиқ;

Фермер хўжаликлари томонидан 2018 йил ҳосили учун кузги бошокли дон экинлари ва чигит экиладиган майдонлар атрофларидаги дала четларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари 6 ва 6а -иловаларга мувофиқ;

2018 йилда кузги бошокли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Хўжайли тумани ҳокимлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 10 мартига қадар туманда 2018 йил ҳосили учун экиладиган экинларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда оқилона жойлаштирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Қорақалпоғистон бўлими туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда фермер хўжаликларида режалаштирилган экинларни парваришлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш ҳамда агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан 2018 йилнинг март ойида туманларда фермер хўжаликлари учун кўргазмали семинарлар ўтказилишини ва мавсум давомида амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда тумандаги 4 та сектор раҳбарлари амалга оширилган ишлари юзасидан Вазирлар Кенгашига ахборот бериб борсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**



**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил 9 мартдаги**
**176 - сонли қарорига**
**1-илова**

**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ер майдонларини мақбуллаштириш** | | | | |
| 1. | Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари томонидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги, мутасадди идоралар раҳбарларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида 10 фермер хўжалиги томонидан 538 тонна пахта хом ашёси кам топширилиб, 333 млн 314 сўм даромат олинмай қолган.<br>Шундан туман прокурори секторида 4 та фермер хўжалиги томонидан (251 тонна), туман ички ишлар бўлими бошлиғи секторида 3 та фермер хўжалиги томонидан (117 тонна), Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи секторида 3 та фермер хўжалиги томонидан (170 тонна) пахта хом ашёси етказиб берилмаган. | 1. 2017 йилда давлатга пахта хом ашёсини сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажармаган, йилни зарар билан якунлаган фермер хўжаликларининг фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда улар билан тузилган ер-ижара шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиб, туман ҳокимлиги захирасига олиш.<br>2. Туман ҳокимлиги захирасидаги ер участкаларга талабгорларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, белгиланган тартибда ер-ижара шартномаларини тузишни ташкил этиш.<br>2018 йил ҳосили учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича экинларнинг адолатли жойлаштирилган режаларини тақдим этиш. Уларга фаолият юритиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш. | 2018 йил март | Хўжайли туман ҳокимлиги, Адлия вазирлиги (Садиқов) Давлат солиқ бошқармаси (Сапарбаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Султанов). Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Нуримбетов) |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | **II. Агротехника тадбирларини ўтказиш ва ташкил этиш** | | | |
| 2. | Туманда қолоқ ғўза майдонларида агротехника тадбирларини ўтказишга фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаслиги, далаларда ишчилар учун шароитларнинг яратилмаганлиги, айни вегетация даврида далада ишчиларнинг етишмаслиги сабабли, ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ва суғориш ишлари кечикиб, 10 та фермер хўжалигининг 280 гектар ер майдонларида ягоналаш, 130 гектар ер майдонларида бегона ўтлардан тозалаш тадбирларини ўз муддатида ўтказилмаганлиги натижасида жами 538 тонна (жумладан, туман прокурори секторида 251 тонна, туман ички ишлар бўлими секторида 117 тонна, туман Давлат солиқ инспекцияси секторида 170 тонна) ёки 4,4 фоиз пахта ҳосили йўқотилган. | Ғўза агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилишида ишчи кучидан самарали фойдаланиш учун:<br>дала шийпонларини ва иссиқхоналар қуришга ер танлаш ва ажратиш;<br>фермер хўжаликлари далаларида ишчилар, механизаторлар ва сувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш. | 2018 йил март<br><br>2018 йил март | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов), Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Нуримбетов), Хўжайли тумани ҳокимлиги |
| 3. | Тумандаги фермер хўжаликлари балансида бўлган 29 та насос станция орқали суғориладиган 1907 гектар ғўза майдонларида июль ва август ойларида уларнинг электр энергиясидан қарздорлиги учун Мажбурий ижро бюроси томонидан насос станцияларини электр тармоғидан узилганлиги, бир неча йиллар давомида суғориш тармоқлари фермер хўжаликлари ва сув | 1. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 25,4 км ирригация тизимини тозалаш ва 8 дона насос станцияларини таъмирлаш.<br>2. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан 171,9 км суғориш тармоғини тозалаш ҳамда 1 дона насос станциясини таъмирлаш. | 2018 йил тармоқ жадвал бўйича | Иқтисодиёт вазирлиги (Данияров), Молия вазирлиги (Содиқов), Қуйи Амударё ИТҲБ (Узақов), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили (Хожаметов), Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Нуримбетов), Хўжайли туман ҳокимлиги, сув истеъмолчилари |



| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | истеъмолчилари уюшмалари томонидан тозаланмаганлиги, улардаги гидротехника иншоотлари таъмирланмаганлиги сабабли бир қатор фермер хўжаликлари томонидан ҳосилдорликнинг камайишига йўл қўйилган. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15,7 км коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, 168 км коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш. | | уюшмалари, фермер хўжаликлари |
| 4. | Туманда июль-август ойларида об-ҳавонинг кескин исиб, ўртача ҳароратининг 45-51 даражага кўтарилиши натижасида тумандаги барча ҳудудларда ғўзанинг 2-3 та ҳосил элементлари тўкилиши кузатилиб, ҳосилдорлик 2-3 ц/га камайиши оқибатида жами 538 тонна (жумладан, туман прокурори секторида 251 тонна, туман ички ишлар бўлими секторида 117 тонна, туман Давлат солиқ инспекцияси секторида 170 тонна) ёки 4,4 фоиз пахта ҳосили йўқотилган. | Ғўза парвариши бўйича агротехника тадбирларини ўз муддатида сифатли ўтказиш. | Мавсум давомида | Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Нуримбетов), Хўжайли туман ҳокимлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари |
| 5. | Туманда ғўзани балл бонитети паст, сув билан етарли таъминланмаган ва кам ҳосилли ер майдонларига жойлаштирилиши оқибатида 61,5 гектар майдондан бор йўғи 15-16 центнер ҳосил олинган ва ҳар гектаридан 1,1 млн.сўм зарар кўрилган. | 2018 йилдан балл бонитети паст бўлган 61,5 гектар ер майдонларига ғўзадан бошқа экинлар, жумладан шоли, сабзавот ва полиз экинларини жойлаштириш ҳамда шунинг ҳисобига пахта майдонларини қисқартириш. | 2018 йил март | Хўжайли туман ҳокимлиги |
| 6. | Туманда 2018 йилда:<br>Кўсак қурти тарқалиши башорат қилинган майдон 400 гектарни;<br>Ўргимчаккана тарқалиши башорат қилинган майдон 200 гектарни ташкил | Тумандаги мавжуд 3 та биолаборатория негизида барча қулайликларга ва шароитга эга бўлган биофабрика ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини | 2018 йил март | “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов), Хўжайли туман ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | этади. | мувофиқлаштириш учун туман пахта тозалаш корхонасига бириктириб бериш, уни керакли асбоб-анжомлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш чораларини кўриш.<br>2018 йилда биофабрикани тўла қувват билан ишлатиш учун талаб этиладиган жами 37,7 млн.сўм, жумладан 24,5 тонна арпа харид қилиш учун 14 млн 700 сўм, 0,7 тонна шакарга 3,5 млн.сўм, 4,8 тонна мервага 14,5 млн.сўм, 0,3 тонна маргаринга 1,5 млн.сўм, 0,3 тонна мева қоқига 2,4 млн.сўм, 0,3 тонна макка унига 0,6 млн.сўм, 0,3 тонна буғдой унига 0,6 млн.сўм маблағ манбаини аниқлаш ва молиялаштириш. | | |
| **III. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, замонавий техника ва қишлоқ хўжалиги механизмларини харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш** | | | | |
| 7. | Тумандаги фермер хўжаликларига чопиқ тракторлари ва 14 та культиватор етишмайди, мавжуд 108 та культиватордан 7 таси жисмонан эскирган. Натижада ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ғўзани озиқлантириш ишлари кечиктириб сифатсиз ўтказилган. | 1. Тумандаги МТП, ММТП ва фермер хўжаликлари балансидаги мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, жисмонан эскирганларини ҳисобдан чиқариш.<br>2. Фермер хўжаликларига 19 та чопиқ трактори ва 12 та культиваторни лизинг асосида етказиб бериш ва унинг учун талаб этиладиган 5 млрд 400 млн.сўм маблағ манбаини аниқлаш ва | 2018 йил март<br>йил давомида жадвал бўйича | “ҚҚдавтехназорат” инспекцияси (Айтжанов), Хўжайли туман ҳокимлиги<br>“Ўзагролизинг” АЖнинг ҚР филиали (Жумабаев), Хўжайли туман ҳокимлиги, тижорат банклари |



| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | молиялаштириш. | | |
| **IV. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳисоб-китоб қилиш** | | | | |
| 8. | 2017 йил 1 декабрь ҳолатига фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарздорлиги 6 млрд 970 млн. сўмни ташкил этади, жумладан:<br>“Агрокимёҳимоя” АЖ олдида - 4 млрд 97 млн сўм;<br>нефт маҳсулотлари корхонаси олдида - 2 млрд 532 млн сўм;<br>“Агросервис МТП’ МЧЖ олдида - 248 млн сўм;<br>электр таъминоти корхонаси олдида - 93,7 млн сўм. | 1. Фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар ўртасидаги шартномаларни ўз вақтида тузиш, фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида фермерлар кесимида “Сарф-харажатлар ва ҳисоб-китоб мониторинги” ҳамда “Агротехника тадбирларини бажариш технологик картаси”нинг электрон онлайн тизимини жорий этиш ва “Мониторинг маркази” фаолиятини янада такомиллаштириш. | 2018 йил I-чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов),Тошкент Давлат аграр университети Нукус филиали (Торениязов), Хўжайли туман ҳокимлиги |
| 9. | “Агробанк” АТБ Хўжайли филиали томонидан пахта ҳосили етиштирувчи фермер хўжаликларига 2017 йил ҳосили учун меъёр бўйича ажратиладиган 6, млрд 812 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Шундан амалда 30 та фермер хўжалиги томонидан 367 млн.сўм имтиёзли кредит қайтарил-маган. | Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси томонидан ҳар бир фермер хўжалигига меъёрлар асосида маблағларни ажратилишини доимий назорат қилиш тизимини қайтадан кўриб чиқиб “огоҳлантирувчи тизим”да такомиллаш-тириш чораларини белгилаш. | 2018 йил март | “Агробанк” АТБнинг ҚР бошқармаси (Балтабаев), Хўжайли туман ҳокимлиги |

**Вазирлар Кенгашининг**
**2017 йил "9" мартдаги**
**176-сонли қарорига**
**2-илова**

**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари етказиб бериш ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ**

| Т/р | Фермер хўжалиги номи | Ҳайдов тракторлари | | Шундан лизинг орқали | | Чопиқ тракторлари | | Шундан лизинг орқали | | Култиваторлар | | Шундан лизинг орқали | | Пресподборщик | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм |
| | **1-сектор Туман хокимининг худуди** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Дилдора Агро | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 2 | Жеткеншек | | | | | | | | | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 3 | Алмагул Реймова | 1 | 980 | 1 | 980 | | | | | | | | | | |
| 4 | Султан Қандекли | | | | | | | | | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| **4** | **Жами** | **1** | **980** | **1** | **980** | **1** | **270** | **1** | **270** | **2** | **54** | **2** | **54** | | |
| | **2-сектор Туман прокурорининг худуди** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Годам Сердар | 1 | 980 | 1 | 980 | | | | | | | | | | |
| 2 | Хўжайли Юлдаш | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 3 | Қосбергененов Муратбай | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 4 | Азамат Анна | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 5 | Тажибай Юсупов | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 6 | Қаракол | 1 | 980 | 1 | 980 | | | | | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| **6** | **Жами** | **2** | **1960** | **2** | **1960** | **4** | **1080** | **4** | **1080** | **3** | **81** | **3** | **81** | | |

| Т/р | Фермер хўжалиги номи | Ҳайдов тракторлари | | Шундан лизинг орқали | | Чопиқ тракторлари | | Шундан лизинг орқали | | Култиваторлар | | Шундан лизинг орқали | | Пресподборщик | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг худуди** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё Жайхун | 1 | 980 | 1 | 980 | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 2 | Клён | 1 | 980 | 1 | 980 | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 3 | Нур Ал Нур | 1 | 980 | 1 | 980 | | | | | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 4 | Олтин диёр | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | 27 | 1 | 27 | | |
| 5 | Қуўанишбаев Султанали | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | | | | | |
| 6 | Орзу Хўжайли | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | 1 | | | | | |
| 7 | Қиёт Хўжайли | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | 1 | 160 |
| **7** | **Жами** | **3** | **2940** | **3** | **2940** | **6** | **1620** | **6** | **1620** | **5** | **81** | **3** | **81** | **1** | **160** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг худуди** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Нурманбет баликчи | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 2 | Абдижамил Раматулла | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 3 | Зафар Хўжайли | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| 4 | Нуртас Хўжайли | | | | | 1 | 270,0 | 1 | 270,0 | | | | | | |
| **4** | **Жами** | | | | | **4** | **1080** | **4** | **1080** | | | | | | |
| | Туман МТП АЖ | 2 | 1960 | 2 | 1960 | 4 | 1080 | 4 | 1080 | 2 | 54 | 2 | 54 | | |
| | **ҲАММАСИ** | **8** | **7840** | **8** | **7840** | **19** | **5130** | **19** | **5130** | **12** | **270** | **10** | **270** | **1** | **160** |

| Т/р | Фермер хўжалиги номи | Шундан лизинг орқали | | Чигит экиш сеялкалари | | Шундан лизинг орқали | | Сотиб олиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | |
| | | **1-сектор Туман хокимининг худуди** | | | | | | |
| 1 | Дилдора Агро | | | | | | | 2018 йил II-чорак |
| 2 | Жеткеншек | | | | | | | |
| 3 | Алмагул Реймова | | | | | | | |
| 4 | Султан Қандекли | | | | | | | |
| **4** | **Жами** | | | | | | | |
| | | **2-сектор Туман прокурорининг худуди** | | | | | | |
| 1 | Годам Сердар | | | | | | | 2018 йил I-чорак |
| 2 | Хўжайли Юлдаш | | | | | | | |
| 3 | Қосбергененов Муратбай | | | | | | | |
| 4 | Азамат Анна | | | | | | | |
| 5 | Тажибай Юсупов | | | | | | | |
| 6 | Қаракол | | | | | | | |
| **6** | **Жами** | | | | | | | |

| Т/р | Фермер хўжалиги номи | Шундан лизинг орқали | | Чигит экиш сеялкалари | | Шундан лизинг орқали | | Сотиб олиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | сони | маблағи млн.сўм | |
| | | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг худуди** | | | | | | |
| 1 | Амударё Жайхун | | | | | | | 2018 йил I-чорак |
| 2 | Клён | | | | | | | |
| 3 | Нур Ал Нур | | | | | | | |
| 4 | Олтин диёр | | | | | | | |
| 5 | Қуўанишбаев Султанали | | | | | | | |
| 6 | Орзу Хўжайли | | | | | | | |
| 7 | Қиёт Хўжайли | 1 | 160 | 1 | 84 | 1 | 84 | |
| **7** | **Жами** | **1** | **160** | **1** | **84** | **1** | **84** | |
| | | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг худуди** | | | | | | |
| 1 | Нурманбет баликчи | | | | | | | 2018 йил I-чорак |
| 2 | Абдижамил Раматулла | | | | | | | |
| 3 | Зафар Хўжайли | | | | | | | |
| 4 | Нуртас Хўжайли | | | | | | | |
| **4** | **Жами** | | | | | | | |
| | Туман МТП АЖ | | | | | | | |
| | **ҲАММАСИ** | **1** | **160** | **1** | **84** | **1** | **84** | |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
176-сонли қарорига
3-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги барча тоифадаги фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги кредитор қарздорликларини ундириш

## РЕЖА-ЖАДВАЛИ

| № | Ҳудудлар номи | Фермер хўжалик-лари сони | 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра жами кредитор қарздорлиги | шундан тармоқлар бўйича: | | | | Жами қоплана-диган карздорлик | 2018 йил 1 апрель ҳолатига кутиладиган қарздорлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | "Агрокимё-ҳимоя" АЖ | нефт маҳсулот-лари корхона-ларидан | электр тармоқлари корхона-ларидан | "Агротех-сервис" МТП МЧЖ | | |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Айбек | 45 | 617,9 | 391,1 | 217,5 | 0;4 | 8,9 | 463,5 | 154,4 |
| 2 | Ахунбобоев | 18 | 226,7 | 160,8 | 56,1 | 9,8 | | 170 | 56,7 |
| 3 | П.Халмуратов | 34 | 628,2 | 435,9 | 162,7 | 13,1 | 16,5 | 471,1 | 157,1 |
| **3** | **Жами** | **97** | **1472,8** | **987,7** | **436,3** | **23,3** | **25,4** | **1104,6** | **368,2** |
| **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон | 25 | 496,9 | 325,8 | 169,5 | | 1,7 | 372,7 | 124,2 |
| 2 | Дўстлик | 35 | 720,1 | 332,6 | 355,3 | 0,6 | 31,6 | 540,1 | 180,0 |
| **2** | **Жами** | **60** | **1217,1** | **658,4** | **524,8** | **0,6** | **33,3** | **912,8** | **304,3** |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 32 | 964,8 | 711,3 | 240,1 | 0,2 | 13,1 | 723,6 | 241,2 |
| 2 | Хатеп | 31 | 186,0 | 160,9 | 20,3 | | 4,9 | 139,5 | 46,5 |
| 3 | Жамбил | 12 | 83,3 | 55,5 | 26,3 | | 1,5 | 62,5 | 20,8 |
| **3** | **Жами** | **75** | **1234,1** | **927,7** | **286,7** | **0,2** | **19,6** | **925,6** | **308,5** |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 61 | 661,6 | 369,2 | 264,5 | | 27,9 | 496,2 | 165,4 |
| 2 | Хўжайли | 14 | 292,3 | 161,9 | 75,7 | 47,8 | 6,8 | 219,2 | 73,1 |
| **2** | **Жами** | **75** | **953,9** | **531,1** | **340,2** | **47,8** | **34,7** | **715,4** | **238,5** |
| **10** | **Ҳаммаси** | **307** | **4877,9** | **3104,9** | **1588,1** | **71,9** | **113,0** | **3658,4** | **1219,5** |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
176-сонли қарорига
4-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2018 йил фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқарида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли ва кам харажатли дала шийпонлари ва иссиқхоналар қуриш, парранда, соғин сигир ҳамда асалари боқишни ташкил этиш

## ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| № | Ҳудудлар номи | Фермер хўжалик-лари сони | шу жумладан: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Дала шийпон қурадиган ф/х сони | камида 1 сотихли иссиқхона қуриш | | ўртача 50 бош парранда боқиш | | бир бошдан соғин сигир боқиш | | 5 қутидан асалари боқиш | | |
| | | | | ф/х сони | жами майдони, гектар | ф/х сони | жами парранда сони, бош | ф/х сони | жами сигир сони, бош | ф/х сони | жами қути сони, дона | |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Ойбек | 26 | 8 | 4 | 0,004 | 6 | 300 | 5 | 5 | 4 | 20 | |
| 2 | Охунбобоев | 11 | 3 | 2 | 0,002 | 2 | 100 | 2 | 2 | 2 | 10 | |
| 3 | П.Халмуратов | 28 | 9 | 5 | 0,005 | 6 | 300 | 5 | 5 | 4 | 20 | |
| **3** | **Жами** | **65** | **20** | **11** | **0,011** | **14** | **700** | **12** | **12** | **10** | **50** | |
| **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Дўстлик | 18 | 6 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 3 | 3 | 3 | 15 | |
| 2 | Қорақалпоғистон | 23 | 7 | 4 | 0,004 | 5 | 250 | 4 | 4 | 3 | 15 | |
| **2** | **Жами** | **41** | **13** | **7** | **0,007** | **9** | **450** | **7** | **7** | **6** | **30** | |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 28 | 9 | 5 | 0,005 | 6 | 300 | 5 | 5 | 4 | 20 | |
| 2 | Хатеп | 15 | 5 | 3 | 0,003 | 3 | 150 | 3 | 3 | 2 | 10 | |
| 4 | Жамбул | 5 | 2 | 1 | 0,001 | 1 | 50 | 1 | 1 | 1 | 5 | |
| **4** | **Жами** | **48** | **16** | **9** | **0,009** | **10** | **500** | **9** | **9** | **7** | **35** | |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 30 | 9 | 5 | 0,005 | 7 | 350 | 5 | 5 | 5 | 25 | |
| 3 | Хўжайли | 5 | 2 | 1 | 0,001 | 1 | 50 | 1 | 1 | 1 | 5 | |
| **3** | **Жами** | **30** | **11** | **6** | **0,006** | **8** | **400** | **6** | **6** | **6** | **30** | |
| **12** | **Ҳаммаси** | **184** | **60** | **33** | **0,033** | **41** | **2050** | **34** | **34** | **29** | **145** | |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "_9_" мартдаги
_176_-сонли қарорига
5-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2018 йил фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари атрофларидаги дала четларининг

## ҲИСОБ-КИТОБИ

| № | Худудлар номи | Жами | | | шу жумладан: | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ғалла | | | | пахта | | | |
| | | ер майдони, га | контур-лар сони | дала четлари узунлиги, п.км | ф/х сони | ер майдони, га | контурлар сони | дала четлари узунлиги,п.км | ф/х сони | ер майдони, га | контурлар сони | дала четлари узунлиги, п.км |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Ойбек | 1084,0 | 319 | 67 | 10 | 204 | 68 | 20 | 26 | 880 | 251 | 48 |
| 7 | Охунбобоев | 465,0 | 137 | 29 | 5 | 90 | 30 | 9 | 11 | 375 | 107 | 20 |
| 8 | П.Халмуратов | 1232,0 | 364 | 78 | 17 | 262 | 87 | 25 | 28 | 970 | 277 | 53 |
| **8** | **Жами** | **2781** | **820** | **174,3** | **32** | **556** | **185** | **54** | **65** | **2225** | **636** | **121** |
| **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Дўстлик | 1028,0 | 305 | 66 | 12 | 240 | 80 | 23 | 18 | 788 | 225 | 43 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 985,0 | 289 | 60 | 11 | 162 | 54 | 16 | 23 | 823 | 235 | 45 |
| **4** | **Жами** | **2013** | **594** | **126,4** | **23** | **402** | **133,5** | **39** | **41** | **1611** | **460** | **88** |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 1279,0 | 394 | 94 | 24 | 597 | 199 | 57 | 27 | 682 | 195 | 37 |
| 3 | Хатеп | 699,0 | 212 | 49 | 12 | 264 | 88 | 25 | 16 | 435 | 124 | 24 |
| 4 | Жамбул | 221,0 | 74 | 21 | 5 | 221 | 74 | 21 | | | | |
| **4** | **Жами** | **2199** | **680** | **164,8** | **41** | **1082** | **361** | **103** | **43** | **1117** | **319** | **61** |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 1160 | 341 | 71 | 16 | 198 | 66 | 19 | 28 | 962 | 275 | 52 |
| 3 | Хўжайли | 246 | 78 | 20 | 6 | 161 | 54 | 15 | 5 | 85 | 24 | 5 |
| **3** | **Жами** | **1406** | **419** | **91** | **22** | **359** | **120** | **34** | **33** | **1047** | **299** | **57** |
| **19** | **Ҳаммаси** | **8399,0** | **2513,0** | **556,5** | **118,0** | **2399,0** | **799,5** | **230,4** | **182,0** | **6000,0** | **1714,3** | **326,1** |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "_9_" мартдаги
_176_-сонли қарорига
6-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2018 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонлар атрофларидаги дала четларига қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг

## ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| № | Худудлар номи | Жами ф/х сони | ер майдони, га | контурлар сони | дала четлари узунлиги, п.км | Дала четига экиладиган экин турлари, п.км | | Кутиладиган ҳосил, тонна | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | карам (плёнка остига) | дуккакли экинлар (нўхот, ловия) | карам (плёнка остига) | дуккакли экинлар (нўхот, ловия) |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Ойбек | 10 | 204,0 | 68 | 20 | 10,4 | 9,6 | 1,0 | 5,0 |
| 7 | Охунбобоев | 5 | 90,0 | 30 | 9 | 4,5 | 4,3 | 0,2 | 2,0 |
| 8 | П.Халмуратов | 17 | 262,0 | 87 | 25 | 13,0 | 12,0 | 0,8 | 5,0 |
| **8** | **Жами** | **32** | **556** | **185** | **54** | **28** | **26** | **2** | **12** |
| **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Дўстлик | 12 | 240,0 | 80 | 23 | 12,0 | 11,0 | 1,1 | 6,5 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 11 | 162,0 | 54 | 16 | 8,3 | 7,7 | 1,3 | 8,0 |
| **4** | **Жами** | **23** | **402** | **134** | **39** | **20** | **19** | **2** | **15** |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 24 | 597,0 | 199 | 57 | 29,7 | 27,3 | 2,1 | 13,5 |
| 3 | Хатеп | 12 | 264,0 | 88 | 25 | 13,2 | 12,2 | 0,7 | 5,0 |
| 4 | Жамбул | 5 | 221,0 | 74 | 21 | 10,9 | 10,1 | 0,9 | 5,5 |
| **4** | **Жами** | **41** | **1082** | **361** | **103** | **54** | **50** | **4** | **24** |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 16 | 198,0 | 66 | 19 | 9,9 | 9,1 | 1,3 | 4,5 |
| 3 | Хўжайли | 6 | 161,0 | 54 | 15 | 7,8 | 7,2 | 0,5 | 2,5 |
| **3** | **Жами** | **22** | **359** | **120** | **34** | **18** | **16** | **2** | **7** |
| **19** | **Ҳаммаси** | **118** | **2399** | **800** | **230** | **120** | **110** | **10** | **58** |
| **Экиш муддатлари** | | | | | | Март | | | |
| **Улуши, %** | | | | | | 52,1 | 47,9 | | |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
176-сонли қарорига
6а-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2018 йил ҳосили учун чигит экилган майдонлар атрофларидаги дала четларига қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг

**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| № | Ҳудудлар номи | Жами ф/х сони | ер майдони, га | контурлар сони | дала четлари узунлиги, п.км | Дала четига экиладиган экин турлари, п.км | | Кутиладиган ҳосил, тонна | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ошқовоқ | маккажўхори | ошқовоқ | маккажўхори |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Ойбек | 26 | 880 | 251 | 48 | 25 | 23 | 15 | 10 |
| 7 | Охунбобоев | 11 | 375 | 107 | 20 | 10 | 10 | 5 | 3 |
| 8 | П.Халмуратов | 28 | 970 | 277 | 53 | 23 | 30 | 13 | 10 |
| **8** | **Жами** | **65** | **2225** | **636** | **121** | **58** | **63** | **33** | **23** |
| **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Дўстлик | 18 | 788 | 225 | 43 | 20 | 23 | 10 | 13 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 23 | 823 | 235 | 45 | 20 | 25 | 10 | 15 |
| **4** | **Жами** | **41** | **1611** | **460** | **88** | **40** | **48** | **20** | **28** |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 27 | 682 | 195 | 37 | 17 | 20 | 9 | 10 |
| 3 | Хатеп | 16 | 435 | 124 | 24 | 10 | 14 | 5 | 7 |
| 4 | Жамбул | | | | | | | | |
| **4** | **Жами** | **43** | **1117** | **319** | **61** | **27** | **34** | **14** | **17** |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 28 | 962 | 275 | 52 | 25 | 27 | 15 | 17 |
| 3 | Хўжайли | 5 | 85 | 24 | 5 | 2 | 3 | 1 | 1 |
| **3** | **Жами** | **33** | **1047** | **299** | **57** | **27** | **30** | **16** | **18** |
| **19** | **Ҳаммаси** | **182** | **6000** | **1714** | **327** | **152** | **175** | **83** | **86** |
| | **Экиш муддатлари** | | | | | Март | | | |
| | **Улуши, %** | | | | | 46,5 | 53,5 | | |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
176-сонли қарорига
7-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида 2018 йилда кузги бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштиришнинг

**ПРОГНОЗ КЎСАТКИЧЛАРИ**

| № | Ҳудудлар номи | Бошоқли дон экин майдон, га | Такрорий экин экиладиган майдон, га | шужумладан: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сабзавот экинлари | картошка | кунгабоқар | дуккакли экинлар | шоли |
| **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Ойбек | 204,0 | 103 | 20 | 10 | | 3 | 70 |
| 6 | Охунбобоев | 90,0 | 69 | 7 | 3 | | 4 | 55 |
| 7 | П.Халмуратов | 262 | 89 | 45 | | | 7 | 37 |
| **7** | **Жами** | **556** | **261** | **72** | **13** | **0** | **14** | **162** |
| **2-сектор Туман прокрорининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Дўстлик | 240,0 | 140 | 20 | 6 | 10 | 49 | 55 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 162,0 | 141 | 14 | 5 | 26 | 13 | 83 |
| **4** | **Жами** | **402** | **281** | **34** | **11** | **36** | **62** | **138** |
| **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Амударё | 597,0 | 407 | 40 | 10 | 80 | 27 | 250 |
| 2 | Хатеп | 264,0 | 114 | 18 | | | 32 | 64 |
| 3 | Жамбул | 221,0 | 35 | | | | 35 | |
| **3** | **Жами** | **1082** | **556** | **58** | **10** | **80** | **94** | **314** |
| **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Оқ-олтин | 198,0 | 131 | 32 | 8 | | 54 | 37 |
| 3 | Хўжайли | 161,0 | 43 | 5 | | | 25 | 13 |
| **3** | **Жами** | **359** | **174** | **37** | **8** | **0** | **79** | **50** |
| **17** | **Ҳаммаси** | **2399** | **1272** | **201** | **42** | **116** | **249** | **664** |